

КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сафаров Алишер Иброҳим ўғли

Денов Тадбиркорлик ва педагогика институти Молия ва банк иши кафедраси ўқитувчиси

ORCID: 0009-0003-589

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15235255>

Annotatsiya. "Мақола ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш ва харажатларни гуруҳлаш муаммоларига бағишланган. Мақолада харажатларнинг классификацияси ва уларни турли муаллифлар томонидан гуруҳлаш кўриб чиқилган бўлиб, корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини амалий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича муҳим таклиф, тавсияларни шакллантиришдан иборат

Калим сўзлар: харажатларни ҳисоблаш, харажатларнинг классификацияси, харажатларни гуруҳлаш, харажатлар, директ костинг, таннарх.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА СЕБЕСТОИМОСТИ ПРОДУКЦИИ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ

Аннотация. "Статья посвящена проблемам расчета производственных затрат и их группировки. В статье рассмотрена классификация затрат и их группировка различными авторами, а также сформулированы важные предложения и рекомендации по совершенствованию практических аспектов учета производственных затрат на предприятиях.

Ключевые слова: расчет затрат, классификация затрат, группировка затрат, затраты, директ костинг, себестоимость."

IMPROVEMENT OF PRODUCTION COST ACCOUNTING IN ENTERPRISES

Abstract. "The article is dedicated to the issues of calculating production costs and grouping expenses. It discusses the classification of costs and their grouping by various authors, and it aims to formulate important proposals and recommendations for improving the practical aspects of accounting for production costs in enterprises.

Keywords: cost calculation, cost classification, cost grouping, expenses, direct costing, cost price."

Кириш

Жаҳонда рўй бераётган воқеалар оқибатида мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган хомашё ва маҳсулотлар нархи, уларни етказиб бериш харажатлари ошмоқда. Шунинг учун, энг аввало, ўзимиздаги хомашёни чуқур қайта ишлаб, рақобатбардош маҳсулотларни кўпайтириш керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 18 декабрь куни ҳудудларда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизматларни ривожлантириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишда бу борадаги тизимни такомиллаштириш чоралари белгиланди. Унга кўра, энди ҳудудларда ишлаб чиқариш, саноат зоналари ва экспорт билан Савдо-саноат палатаси шугулланади. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг вилоят бошқармалари ва туман бўлимлари тугатилади. Экспорт агентлиги ва жамғармаси, “Ўзбекэкспертиза” ташкилоти ҳам Савдо-саноат палатаси тизимига ўтади.

– Лойиҳа ва экспорт қилиш тизимини давлатдан тадбиркорларнинг ўзи бошқарадиган ташкилотга олиб бераёلمиз. Бу тадбиркорларни эшитиш, талаб ва истакларини амалга ошириш учун керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш ва экспортни кўпайтириш бўйича янги имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес корхоналарининг фаолият юритиш самарадорлиги, молиявий барқарорлиги ва ривожланиш истиқболлари кўп жиҳатдан хўжалик жараёнида ишлаб чиқариш ва унинг ҳисобини ташкил этишга боғлиқ бўлмоқда. Кейинги вақтларда кичик бизнес корхоналар хўжалик фаолиятида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил этишни миллий ҳамда халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш зарурияти вужудга келмоқда. Яъни ишлаб чиқариш ҳисобини илмий асосланган ҳолда ташкил этиш асосида бевосита корхона молиявий натижаларига таъсир этувчи маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини тўғри шаклланиши, ишлаб чиқариш жараёни натижаларини иқтисодий таҳлил усуллари ёрдамида баҳолаш ва самарадорликни ошириш йўналишларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш даврида маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи бевосита харажатлар, ресурслардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини пасайтириш имконини беради. Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар фаолияти самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб ва амалий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида танланган мавзунунг ғоядта долзарб эканлигини характерлайди.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

Кичик бизнес корхоналарида маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар ҳисобини такомиллаштиришнинг айрим назарий ва услубий масалалари хорижлик ва

Россиялик иқтисодчи олимлар Х.Андерсон, К.Друри, М.Карренбауэр, Б.Нидлз, Ч.Хорнгрен, Р.Н.Энтони, МДХ иқтисодчи олимлари М.А.Вахрушина, Т.П.Карпова, Н.П.Кондраков, И.А.Ламыкин, В.Ф.Палий, А.Д.Шеремет, шунингдек, Республикамиз иқтисодчилари Ё.А.Абдуллаев, Э.Ф.Гадоев, Н.Ю.Жўраев, А.М.Жуманов, А.А.Каримов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, А.С.Сотиволдиев, К.Б.Ўразов, Б.О.Болибеков, Д.Э.Норбеков, О.М.Кулжанов, К.Мисиров ва бошқаларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларида ўз аксини топган. Бироқ, бу илмий ишларнинг аксариятида иқтисодийни модернизациялаш шароитида юзага келган муаммолар тўлиқ қамраб олинмаган яъни уларнинг айрим жиҳатларигина тадқиқ этилган. Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги ва иқтисодийнинг эркинлашуви шароитидаги хўжалик юритиш талабларидан келиб чиқиб уларнинг ечимларини ҳал этишнинг зарурлиги муаммонинг долзарблигини кўрсатиб турибди ва ушбу мавзуда илмий тадқиқотлар олиб боришнинг зарурлигини белгилаб беради.

Харажатларни ҳисобга олиш бу тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти-таъминот, ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш-истеъмолчига етказиб бериш жараёнларида содир бўлган воқеаларни микдорий ўлчаш (микдор ва қиймат ўлчовида), қайд қилиш, гурухлаштириш, тайёр маҳсулотлар таннархининг таркиб топиши чегараси бўйича таҳлил қилишга қаратилган фаолиятдир.

Харажатлар ҳисобининг назарияси ва амалиётида биргина “таннарх” тушунчасигина мавжуд эмас. Унинг мазмуни қуйидаги омиллар таъсирида ўзгариши мумкин: маҳсулотнинг тайёрлик даражаси ва унинг сотилишига қараб, ярим тайёр маҳсулот, омборда сақланаётган маҳсулот ва сотилган маҳсулот таннархлари; маҳсулот микдorigа қараб, маҳсулот бирлигининг, бутун ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи; жорий харажатларни калькуляция объектининг таннархига киритиш тўлиқлигига қараб, тўлиқ амалдаги таннарх ва чекланган таннарх; таннархни шакллантиришнинг тезкорлигига қараб амалдаги ёки меъёрий, режали таннарх фарқланади.² Таннархни фаолият ва маҳсулот турлари, сотиш бозорлари, минтақалар ҳамда харидорлар бўйича калькуляция қилиш керак. Сарфларни шакллантириш усуллари таннархни калькуляция қилиш жараёни билан узвий боғлиқ бўлиб, бу жараён ўзининг муҳим хусусиятларига, жумладан, соҳавий хусусиятларига эга.



Ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги сарфлар таркибини белгилайди. Бунда баъзи сарфлар ката ҳажмга эга, демакки, аҳамиятлироқ, бошқалари эса кам аҳамиятли, шунинг учун бошқаларининг таркибида йириклаштирилган ҳолда ҳисобга олиниши мумкин. Шу сабабли, ишлаб чиқариш сарфларини ҳисобга олишни ташкил қилиш мезонини ажратиб кўрсатиш лозим.

Амалиётда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфларни режалаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва калькуляция қилиш мақсадида бошқариш учун: мазмуни ва мақсади; ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги даражаси сарфларни маълум турдаги маҳсулот бирлигининг таннархига киритилиши усули; ишлаб чиқаришда сарфларнинг

шакллантирилиши кетма-кетлиги каби белгилар бўйича тасниф ишлатилади.

Бухгалтерия ҳисобида маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларини ҳисобга олишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- а) иқтисодий натижаларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун субъектнинг маъмуриятини зарур ва етарли маълумотлар билан таъминлаш;
- в) четга чиқишларни аниқлаш мақсадида ҳақиқатда сарфланган харажатларни кузатиш ва назорат урнатиш, уларни меъёрий ва режадаги ҳажми билан таққослаш ва келгусидаги иқтисодий стратегиясини шакллантириш;
- с) ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва молиявий натижаларни ҳисоблаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш;
- д) субъектнинг таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий натижаларини аниқлаш ва баҳолаш;

е) узок муддатли хусусиятга эга булган- ишлаб чиқариш ва технология дастурларининг копланиши, ички ва ташки бозорларда сотилаётган маҳсулотларнинг турлари буйича рентабеллик даражаси, асосий воситалар ва товар-моддий захираларига куйилган капитал маблағларнинг самарадорлиги ва фаолияти буйича бошқарув ҳисоби маълумотларини бир тизимга келтириш.

Демак, маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларини ҳисобга олишнинг асосий йўналиши бу субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва ушбу фаолиятни амалга оширишда сарфланадиган харажатларни бошқаришдир.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес корхоналарининг ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми миқдорий, шартли – миқдорий, меҳнат ва қиймат ўлчовларида ўрганилиши мумкин. Бу ўлчовлар таркибида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини ўрганишда қийматда ҳисобланган кўрсаткичларни таҳлил этиш муҳим ўрин эгаллайди. Яъни, корхона бўйича барча турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми қиймат ўлчовида умумлашади. Бошқарув таҳлили учун кичик бизнес корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажмини ўрганишда куйидаги умумлаштирувчи кўрсаткичлар ўрганилади:

- Ялпи маҳсулот;
- Товар маҳсулоти;
- Сотилган маҳсулот.

Амалдаги эълон қилинаётган молиявий ҳисоботнинг иккинчи шакли “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” маълумотларида сотилган маҳсулотлар ҳажмини ўтган ва жорий йиллардаги кўрсаткичларини ўрганиш учун сотишдан соф тушум, сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи каби кўрсаткичлар акс эттирилмоўда. Бу маълумотлар ҳам таҳлил учун муҳим манба сифатида фойдаланилади.

Корхоналарнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил қилишда муҳим ўринни миқдорий кўрсаткичларни ўрганиш эгаллайди. Бунда маҳсулот турлари бўйича дона, метр, тонна ва ҳақозо бирликларда ишлаб чиқариш суръати, динамикаси ва ўзгариш даражаларини аниқлаш борасидаги таҳлилнинг имкониятлари яратилади.

Бошқарув таҳлилида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ўрганишда шартли – миқдорий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Айниқса, товарлар ҳажмини ўрганишда, масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда минг шартли банка, пахтани қайта ишловчи корхоналарда шартли – пахта тойи,

пойафзал ишлаб чиқарувчи корхоналарда шартли – жуфт оёқ кийимлари каби кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Корхонанинг барча эришган натижавий кўрсаткичлари тўғридан- тўғри маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан бевосита боғлиқлигини эътиборга олсак, бу борадаги иқтисодий таҳлилининг муҳим вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг бизнес режада мўлжалланган ҳажмда бажарилганлигига баҳо бериш;
2. Ишлаб чиқаришнинг таркиби, динамикаси ва ўзгариш сабабларини омилли таҳлил этиш;
3. Маҳсулотларнинг сифати ва стандарт талабларига жавоб бериш даражасини ўрганиш;
4. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имкониятларини аниқлаш;
5. Маҳсулот номенклатураси ва ассортименти баҳо бериш ҳамда ўртача ассортимент режасининг бажарилишини таҳлил этиш;
6. Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлиги ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
7. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича мавжуд имкониятларни кўрсатиб бериш;
8. Аниқланган имкониятларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида таклифлар кўрсатиш ва ҳақозо.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш таҳлилининг объектлари бўлиб эса қуйидагилар ҳисобланади:

- Маҳсулотлар турлари ва ассортименти бўйича ишлаб чиқариш ҳажми;
- Маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлиги;
- Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таркиби;
- Ишлаб чиқаришнинг маромийлиги ва узлуксизлиги.

Маҳсулот, иш ва хизматларнинг тури ва ассортименти таҳлилида уларнинг сегментлар бўйича таққосланадиган ва таққосланмайдиган, профилдаги ва профилда бўлмаган турлари, асосий ва қўшимча маҳсулотлар турлари бўйича туркумланиши ўрганилади. Улар бўйича режа топшириқларининг бажарилиши, умумий режа топшириқларининг бажарилишида уларнинг таъсири, маҳсулотлар тузилишидаги

таркибий ўзгаришларга баҳо берилади.

Маҳсулотлар номенклатураси – миқдор ҳолида товарлар гуруҳлари, кичик гуруҳлари ва позицияларини белгилашда ҳамда ҳисобга олишда қабул қилинган рўйхатидир.

Товар (иш, хизмат)лар ассортименти эса, маҳсулотларнинг маълум бир белгиларига қараб, яъни, унинг турлари, нави, ўлчами, маркаси, артикулларига қараб ажратиладиган маҳсулотлар хилидир.

Товарлар номенклатураси ва ассортиментини ўрганишда ўртача ассортимент режасининг бажарилиши таҳлил этилади.

3.1.1-жадвал

«Жануб бунёдкори» МЧЖда маҳсулотлар номенклатураси ва ассортиментининг таҳлили (2023 йил, минг сўм)

Маҳсулот тури	Маҳсулот бирлигини баҳоси, сўм	Ишлаб чиқарилган маҳсулот натура шаклида, (дона)		Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймат шаклида		Ассортимент ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот
		Бизнес режада	Ҳақиқатда	Бизнес режада	ҳақиқатда	
1	2	3	4	5	6	7
“А”	2415	900	941	2173500	2272515	2173500
“Б”	2312	785	825	1814920	1907400	1814920
“В”	1986	2897	2431	5753442	4827966	4827966
“Г”	2411	1312	1421	3163232	3426031	3163232
“Д”	1813	2540	2354	4605020	4267802	4267802
Жами	х	х	х	17510114	16701714	16247420

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган корхонада жорий ҳисобот даврида беш хил ассортиментдаги маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, улардан “А”, “Б” ва “Г” ассортиментдаги маҳсулотларни натура ҳолатида ортиғи билан ишлаб чиқарилган. Қолган икки хил ассортиментдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш режалари эса тўлиқ бажарилмаган. Натижада мазкур акциядорлик бирлашмаси жорий йилда жами ассортимент ҳисобига 16247420 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, ўртача ассортимент режасининг бажарилиши 0,93 ни ташкил этган. Ўртача ассортимент режасининг бажарилмаслигига “В” ва “Д” турдаги маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш режасининг бажарилмаслиги сабаб бўлган.

Аммо, корхонада ўртача ассортимент режаси 100 % га бажарилмаган бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ҳам 808400 га бажарилмаган, яъни режа тулик бажарилмаган. Корхона маъмурияти ассортимент режасининг бажарилмаслик сабабларини чуқур ўрганишлари ва ўз вақтида тегишли чораларни кўриши лозим бўлади.

Ассортимент режасининг бажарилмаслиги кўрсаткичи орўали ҳам ассортиментга баҳо бериш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментининг ўзгариши хўжалик фаолияти натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментини шакллантиришда корхона биринчи навбатда, маҳсулотлар турига бўлган талабни ҳамда бозордаги ҳолатини, иккинчидан эса, корхонада мавжуд бўлган маҳсулот, хом-ашё, техник-технологик, молиявий ва бошқа имкониятлардан тўлароқ фойдаланишни эътиборга олиши зарур. Ассортиментни шакллантириш системаси қуйидаги асосий жиҳатларни ўз ичига олиши шарт:

- Истеъмолчиларнинг истиқболли эҳтиёжини аниқлаш;
- Чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражасини аниқлаш;
- Маҳсулотнинг бозордаги ҳаётийлик циклини ўрганиш, ўз вақтида янги замонавий бўлган товарлар турини яратиш бўйича чоралар кўриш ва ишлаб чиқариш дастуридан маънавий эскирган ва иқтисодий жиҳатдан кам фойдали бўлган маҳсулотни чиқариб ташлаш;
- Иқтисодий самарадорлик ва маҳсулот ассортименти ўзгаришида хавф- хатар даражасини баҳолаш.

Айрим корхоналар йиллик, чорак, ойлик режаларини ортиғи билан бажариши мумкин, аммо айрим ойлarda ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил эта олмаслиги мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги маромийликни бузилиши шартнома мажбуриятларини барбод бўлишига, унинг оқибатида жарималар тўланилишига олиб келади.

3.1.2--жадвал

«Жануб бунёдкори» МЧЖ да маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигининг таҳлили (2023 йил, минг сўмда)

Ўн кунликлар	Ҳисобот йили		Маромийлик ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот	Жамида тутган улуши, %	
	Бизнес режада	Ҳақи- қатда		Бизнес режада	ҳақиқатда
1	2	3	4	5	6

I ўн кунлик	43412	42981	42981	32.8	32.8
II ўн кунлик	44512	43425	43425	33.7	33.2
III ўн кунлик	44300	44521	44300	33.5	34.0
Жами	132224	130927	130706	100.0	100.0

130706

Маромийлик коэффиценти: $K_M = \frac{130706}{132224} = 0,99$

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигига баҳо бериш мумкин. Маълумотлардан кўринадики, корхонада ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлик коэффиценти 0,99 ни ташкил этган. Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигининг бузилишига жорий йилдаги ойларнинг биринчи ўн кунлигида бизнес режада белгиланган 43412 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши ўрнига, ҳақиқатда 42981 минг сўмга кам маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги сабаб бўлган. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлиги 0,01 коэффицетга бажарилмаган. Шундай бўлсада, корхонада ҳисобот йилидаги ойларда кейинги иккинчи ўн кунлик бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режалари ҳам адо этилмаганлиги боис, корхонадаги умумий маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бажарилмаган. Умуман олганда бундай натижаларни қисман ижобий баҳоласак бўлади, чунки, корхонада маромийлик бузилиши унчалик катта эмас экан. Одатда, маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигининг бузилиши оқибатида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига путур етишига, хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро шартномаларнинг ўз вақтида тўлиқ бажарилмасилигига, иқтисодий жарималар қўлланилишига ҳамда маҳсулотларни сотиш ҳажмларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Корхона маъмурияти имкон қадар маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигини бузилмаслик чораларини кўриши керак бўлади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таъсирчан омиллардан бири бу тадбиркорлик омилidir. Шу сабабли маҳсулот ишлаб ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қаторига тадбиркорлик лаёқати омилли ҳам киритилиши тартибланган ва бу таркиблаш иқтисодий жиҳатдан ўринlidir. Чунки юқорида қайд этилган ишлаб чиқариш омиллари тадбиркорлик омилли билан биргаликда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир этади.

Хулоса ва таклифлар

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш маҳсулот таннархини калькуляция қилиш энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Шунинг учун хом-ашё ва материал сарфларини тўғри ҳисобга олиш ва таннарх шаклланишини бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Амалда қўлланаётган таннарх аниқлаш усуллари айрим ишлаб чиқариш жараёнларидаги харажатларни тўлиқ акс эттирмайди. Кичик бизнес корхоналарида ҳисобот оyi давомида содир бўлган харажатлар бухгалтерия ҳисобида умумлаштирилиб, цех бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботи тузилади. Аммо ушбу ҳисоботда материаллар, меҳнат харажатлари ва бошқа бевосита харажатлар меъёр бўйича ва меъёрдан четга чиқишлар алоҳида ажратилиб кўрсатилмайди. Натижада маҳсулотларни ишлаб чиқаришда турли хил маҳсулотларга сарфланадиган моддий, меҳнат харажатлари, ижтимоий суғурта ажратмалари, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси харажатлари бўйича меъёрдан четга чиқишларни аниқлаш имкони бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, ҳисоботда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва ҳақиқий моддий ва бошқа харажатларни маҳсулот таннархига тақсимлашда меъёрдан четга чиқишлар ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида ҳисобга олиниши керак.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишда ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиш, назорат қилиш ва маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш усуллари таҳлил қилиниб, кичик бизнес корхонаси учун зарарсизлик нуқтасини топиш, маржинал даромадни аниқлаш ҳамда ўзгарувчан, доимий харажатларни тўғри ҳисобга олиб бориш зарур. Шунинг учун корхонада харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг «Директ-костинг» усулини қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Кичик бизнес корхоналарида маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни таҳлил қилишда, одатда, асосий эътибор харажатларнинг динамикасига қаратилади. Таҳлилда бу усул фақатгина харажатларнинг даврлар бўйича ўзгаришларига баҳо берилади. Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилишда омилли таҳлилни кенг қўллаш лозим. Омилли таҳлил харажатлар миқдорининг қайси сабаб ҳисобига ўзгараётганлигини аниқлашга ёрдам беради. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни таҳлил қилишда бу турдаги харажатларнинг динамикасига баҳо беришдан кўра, кўпроқ унинг самарадорлик кўрсаткичларига эътиборни қаратиш лозим. Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш харажатлари самарадорлик кўрсаткичлари тизимида материал қайтими ҳамда материал сиғими кўрсаткичлари кенг қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундай қилиб, мазкур мақолада кичик бизнес корхоналарида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар ҳисобини ташкил қилишнинг услубий асосларини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилди.

REFERENCES

1. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 18 декабрь куни ҳудудларда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизматларни ривожлантириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишдаги нутқи.
2. Агеева О.А. Международные стандарты финансовой отчетности. – М.: «Бухгалтерский учет», 2008. – 464 с.
3. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: «Молия», 2003. – 224 б.
4. Акчурина Е.В. Бухгалтерский финансовый учет. Учебное пособие. – М.: «Экзамен», 2004. – 416 с.
5. Артюшин В.В. Финансовый анализ. Инструментарий практика. – М.: «ЮНИТИ», 2010. – 120 с.
7. Бабаев Ю.А. Теория бухгалтерского учета. Учебник. - 2-е изд., – М.:«ПРОСПЕКТ», 2008. – 240 с.
8. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т, Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. – Тошкент.: «Шарқ», 2019. – 480 б.
9. «Жануб бунёдкори» МЧЖ маълумотлари 2023 йил
10. www.gov.uz - O'zbekiston Respublikasi xukumat portali.
11. www.lex.uz - O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi.
12. www.mf.uz - O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi rasmiy sayti.